



Жонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

# Постга

ГАЗЕТА 1990 ЙИЛ  
12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН

Ўзбекистон Республикаси ИИБ нашри • 2002 йил 19 декабрь, пайшанба • 51 (3475)-сон

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

2002 йил 28-29 декабрь шанба ва якшанба дам олиш кунларини  
2002 йил 30-31 декабрь душанба ва сешанбага кўчириш тўғрисида

Янги йил байрами муносабати билан ҳамда меҳнаткашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

2002 йил 28-29 декабрь шанба ва якшанба дам

олиш кунлари 2002 йил 30-31 декабрь душанба ва сешанбага кўчирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси  
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2002 йил 17 декабрь.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьясини сайлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Файзулла Абдуллаевич Абдуазимов Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси этиб тайинлансин.

Тошкент шаҳри,  
2002 йил 13 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси  
**Э. ХАЛИЛОВ**



## КИНОЛОГЛАР КЕНГАШИ

Республика ички ишлар идоралари кинология хизмати ходимларининг навбатдаги семинар-кенгаши Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси ИИБ ППХ ва ЖТСББ бошлиғи, милиция полковниги У. Нарзуллаев кинология хизмати олдида турган вазифалар тўғрисида маъруза қилди. Шундан сўнг Тошкент шаҳар ИИББ ва Тошкент вилояти ИИБ ки-

нология хизмати бошлиқлари хизмат итларини ўргатиш ва улардан фойдаланиш борасидаги тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Семинар-кенгашда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари, милиция генерал-майори Б. Субанов иштирок этди ва сўзга чиқди.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: семинар-кенгашдан лавҳа.

**Т. КАРИМОВ** олган сурат.

## Фармон ва ижро

### ДАСТАБКИ АМАЛИЙ ИШЛАР

Республика ИИБ Жазони ижро этиш Бош бошқармасида ички ишлар идоралари, суд ва прокуратура ходимларининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 3 декабрдаги Амнистия тўғрисидаги Фармонини қўллаш тартиби билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Жазони ижро этиш муассасалари бошлиқларига, уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарларига ва махсус бўлимлар бошлиқларига Фармоннинг асосий қоидалари ва ўзига хос жиҳатлари бўйича тушунтиришлар берилди. Шунингдек, жойлардаги ички ишлар идоралари Фармонни ижро этишда прокуратура, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик қилиши зарурлиги ўқтирилди. Кенгаш қатнашчилари

нинг эътибори Ўзбекистон Республикаси Президентининг Амнистия тўғрисидаги Фармонини бажариш чоғида қонунчиликка қатъий риоя этиш лозимлигига қаратилди.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг масъул ходими М. Шоумаров, республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, ички хизмат генерал-майори Р. Қодиров иштирок этди.

**О. БУРЕНОВ.**

### ЯҚИНЛАРИ БАҒРИГА ҚАЙТИШДИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан Президентимизнинг Амнистия тўғрисидаги Фармони эълон қилинган эди. 17 декабрь куни дастлабки маҳкумлар жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилди.

Жазони ижро этиш муассасаларининг биридан озод этилган ва ҳаяжонини яшира олмаётган айрим кишиларни суҳбатга тортдик.

Хуррам Саъдуллаев, 61 ёшда. У гиёҳвандлик моддалари олди-сотдиси билан шугуллангани учун 16 йилга озодликдан маҳрум этилиб, муддатининг 4 йили қолган эди. Амнистия туфайли озодликка чиқиб, фарзандлари бағрига қайтиш насиб этганидан мамнун.

Тошкентлик Аваз Азизов диний экстремизм таъсирига берилиб қолган эди. У уч ярим йил давомида ўз хатосини тушуниб етди. Пушаймон бўлиб, халқимиз ва Президентимиздан кечирим сўрагани инobatга оlinиб, тўрт йилу саккиз ой муддат олиб ташланди. Аваз бундай бағрикенгликдан таъсирланиб, қайта бу ишга қўл урмаслигини таъкидлади.

Ниҳоят кутилган дақиқалар бошланди. Озод этилганларни ота-оналари, фарзандлари, ёру биродарлари кўзда ёш билан қарши олдилар.

Исмоил МИНАВАРОВ,  
милиция майори.

## ДИҚҚАТ! ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ

Тергов тизимларида тергов қилинаётган жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов ҳаракатлари олиб бораётган тергов ходимлари томонидан қонун бузилишларига йўл қўйиш, шунингдек, тергов идоралари ходимларининг дастлабки тергов олиб боришдаги фаолиятига процессуал ваколатга эга бўлмаган мансабдор шахсларнинг ноқонуний аралашуви ҳолатлари мавжуд. Шунини эътиборга олиб турли хил тўсқинликларсиз, бевосита ва эркин мулоқот қилиш имкониятларини яратиш, аниқланган салбий ҳолатларга ўз вақтида таъсир чоралари кўриш ва уларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тергов Бош бошқармаси ва унинг жойлардаги қуйи тизимларида "Ишонч телефонлари" ташкил этилган.

Юқоридаги масалалар юзасидан ўзингизни қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ТББ	Тошкент ш.	133-65-34
Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ТБ	Нукус ш.	222-56-19
Тошкент шаҳар ИИББ ТБ	Тошкент ш.	56-74-82
Тошкент вилояти ИИБ ТБ	Тошкент ш.	64-41-83
Самарқанд вилояти ИИБ ТБ	Самарқанд ш.	33-50-75
Сирдарё вилояти ИИБ ТБ	Гулистон ш.	25-27-94
Жиззах вилояти ИИБ ТБ	Жиззах ш.	6-14-02
Бухоро вилояти ИИБ ТБ	Бухоро ш.	4-40-09
Навоий вилояти ИИБ ТБ	Навоий ш.	223-25-91
Фарғона вилояти ИИБ ТБ	Фарғона ш.	24-34-35
Андижон вилояти ИИБ ТБ	Андижон ш.	24-26-43
Наманган вилояти ИИБ ТБ	Наманган ш.	6-60-55
Сурхондарё вилояти ИИБ ТБ	Термиз ш.	7-52-99
Қашқадарё вилояти ИИБ ТБ	Қарши ш.	3-82-45
Хоразм вилояти ИИБ ТБ	Урганч ш.	226-14-17
Транспорт ИИБ ТБ	Тошкент ш.	59-69-08
		54-77-55

Ўзбекистон Республикаси ИИБ  
Тергов Бош бошқармаси.

**UCHINCHI** «Postga»  
gazetasining ilovasi

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,  
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,  
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,  
HAYRATOMUZ VOQEALAR,  
SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

**TV O'LAM**

# ҲУҚУҚИЙ МАНФААТЛАР ТАЪМИНЛАНМОҚДА

**Тошкентдаги тезкор вазият ҳақида гапирадиган бўлсак, аввало унинг республикамиз пойтахти эканлиги, ҳудуди катталиги, аҳолиси икки миллиондан зиёдлигини назарда тутишимиз керак. Бунинг устига шахримизга ҳар куни кўплаб хорижий меҳмонларнинг келиб-кетишини ҳисобга олсак, пойтахт милицияси ходимлари зиммасидаги вазифа нақадар масъулиятли эканлиги аён бўлади.**

Шунинг учун кадрларнинг маънавий ва жисмоний тайёргарлигига катта эътибор берилди. Ходим вазифасини намунали бажарса – бу раҳбарнинг ҳам хизмати. Милиционер касб одобномаси талабларини бузса, аввало унинг бошлиғи жавоб беради.

Тергов бошқармасида, ҳеч муболагасиз айтиш мумкин, ўз касбининг ҳақиқий ус-

талари ишлашади. Улар ўта мураккаб жиноят ишларини муваффақият билан тергов қилишяпти.

Жиноят қидирув хизмати ходимларининг маҳоратини ҳам муносиб баҳолаш керак. Узоққа бориб ўтирмасдан улар Давлат санъат музейида содир этилган жиноятни усталик билан фош қилганларини эслайлик. Жаҳон амалиётида ҳам жиноятчилар

ушланиб, ҳам нодир экспонатлар эгасига қайтарилган ҳолатлар жуда кам учрайди. Гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланишига қарши кураш бўлими ходимлари катта миқдорда захри қотилни жиноятчилардан тортиб олиб йўқ қилишди.

Йўл-патруль, патруль-пост хизматлари ходимлари ҳам аниқ ва пухта ишлашяпти. Масалан, яқинда бир автомобиль олиб қочилганлиги ҳақида хабар олинди. Ушбу бўлима ходимлари тезкорлик билан ҳаракат қилиши натижасида жиноятчилар ушланиб, машина эгасига қайтарилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Жабрдийдаларнинг ўз вақтида бизга мурожаат қилиши катта аҳамиятга эга.

Аҳолининг милиция ходимларига ишончи тобора ошяпти. Бунда "ишонч телефонлари"нинг муносиб ҳиссаси бор. У орқали олинган хабарларга ҳаммиша эътибор билан қараймиз. Баъзан ходимларимиз шаънига танқидий мулоҳазалар ҳам эшитаемиз. Зарур ҳолларда ушбу ҳолатлар бўйича хизмат текширувлари ўтказамиз.

Сўнгги пайтларда четдан келганлар томонидан қатор ўғирликлар, талончиликлар содир этилди. "Меҳмонлар" қилғилиқни қилиб, "қуён" бўлиши жиноятни очилишини қийинлаштиради. Биз аҳволни ҳар томонлама таҳлил қилиб, паспорт ва профилактика хизматларига рўйхатдан ўтмай яшаётган шахсларни аниқлаб, уларга



нисбатан тегишли чоралар кўришни топширдик.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, пойтахт милицияси ходимлари яқунланаётган йилда гўзал Тошкентимизда тинчлик-осойишталикни таъминлаш йўлида кўп ишларни қилди. Ҳуқуқ-тартибот посбонлари ўз зиммаларидаги мажбуриятлар нечоғли масъулиятли эканини чуқур ҳис этишади. Мажбурият анланган жойда эса ҳуқуқ ҳам тўла таъминланади.

**А. АҲМЕДБОВ,**  
Тошкент шаҳар ИИББ  
бошлиғининг ўринбосари,  
милиция полковниги.

## ХОДИМЛАРИМИЗ ХИЗМАТГА ШАЙ

**Сўхбатдошимиз Тошкент шаҳар ИИББ ЖК ва ТҚКБ бўлим бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги М. Жалилов жиноят қидирув соҳасида узоқ вақтдан буён хизмат қилмоқда. У оддий ходимликдан раҳбарликкача бўлган йўлни босиб ўтди, "Жасорат" медали соҳиби. М. Жалилов бошқараётган бўлим айни пайтда мулк билан боғлиқ ўғирлик, талончилик, босқинчилик ва бошқа жиноятларни фош этиш билан шуғулланаяпти.**

– Аввало ҳозирда кадрларга алоҳида эътибор бераётганимизни айтиб ўтишим лозим, – деди у. – Ёшлар тарбияси ҳар бир ёш ходимга алоҳида эътибор беришни талаб этадиган вазифадир. Юзага келган вазиятни тўғри баҳолаш, тўпланган далилларни таҳлил эта олиш, икир-чикирлар орасидан муҳимини ажрата билиш тезкор ходим учун зарур бўлган жиҳатлардир. Яна бир томони, таваккал иш юритиш, қийинчиликлардан чўчимаслик, кўзланган мақсадга қатъийлик билан эришиш эканлигини унутмаслик зарур. Шу ўринда Ҳамза ва А. Икромов туманлари ИИБлари ходимлари, милиция лейтенантлари Абдумажид Шермухамедов ҳамда Равшан Ҳасановларнинг номларини фахр билан тилга олмоқчиман. Ана шундай фидойий йигитлар ҳисобига жиноятларнинг очилиши яхшиланадиган бўлмоқда.

Хонадонларга турли йўллар билан кириб, содир этилаётган ўғирликлар кўпроқ фуқароларнинг лоқайдлиги, ортиқча ишонувчанлиги оқибатида рўй бермоқда. Баъзан улар ўз хавфсизликларини таъминлашга қаратилган оддий қондаларга ҳам эътибор беришмайди. Шу ўринда бир мисол келтирмоқчиман. Ўтган йили Яккасарой туманида қатор ўғирликлар содир этишда гумон қилинган эр-хотин ушланди. Улар

уйни ижарага олган киши бўлиб ҳақини бир ой олдин тўлаб қўйишар экан. Шу тарзда хоналарни бемалол "тозалаб" жўнаб қолаверишган. Ачинарлиси, ўндан ортиқ жабрланувчилар, ҳатто ўғирларнинг исм-шарифини айтиб беролмадилар. Паспортларидаги маълумотларни ёзиб олиш эса ҳеч кимнинг хаёлига келмаган.

Айрим кишилар хонадон калитини на яқини, на танишлари эмас, мутлақо бегона кишиларга бериб, мол-мулкдан айрилиб қолгач, "танишимнинг таниши эди" дея тилларини тишлаб қолишади. "Ижарадор"лар калит нусхасини тайёрлаш йўли билан ҳам ўз ғаразли мақсадларига етишишяпти.

Яна бир ақлбовар қилмас воқеа. Пенсиялардан фирибгарлик ҳақида аризалар туша бошлади. Уларда ёзилишича, жабрланувчиларнинг хонадонига гўё шифохонадан ҳамшира келади. У турли муолажалар қилгач, фахрийни бир оз ором олишга ундайди. Бу вақтда эса хонадондаги пул ва қимматбаҳо буюмларни олиб, жуфтани ростлайди. Суриштирувлар натижасида фирибгар аёл қўлга олинди.

Йигитларимиз "Нексия" автомашиналарини босқинчилик йўли билан қўлга киритган жиноятчиларни фош этишда ҳам фидойилик кўрсатишди. Улар машиналарни Амир Темур хиёбонида яқин жойда тўхтатиб, эгаларидан бирор овлоқрок

жой, айтайлик Қўйликқа олиб бориб қўйишни сўрашган. Шундан сўнг ҳайдовчини қўрқитиб, машинани олиб қочганлар. Ўн кишидан иборат уюшган жиноий гуруҳ аниқ режа асосида иш кўрган. Умарилган машиналарни мамлакатимиз ташқарисига олиб чиқиб сотиш билан шуғулланган ушбу тўдани фош этиш осон кечмади. Бунга кўп вақт сарфлашимизга тўғри келди.

Санъат музейидаги ўғирлик ҳақида ҳам айтиб ўтиш зарур. Бу ердан XVIII аср охири XIX аср бошларига тааллуқли бир нечта нодир асарлар ғойиб бўлган эди.

– Содир этилган жиноят, – деди ИИББ ЖКБ ва ТҚКБ муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили, милиция подполковниги Х. Аноркулов. – эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилишимизни талаб этарди. Чунки тергов манфаатини кўзлаб, ошқораликка йўл қўйиб бўлмас эди. Анча тер тўкишимизга тўғри келди. Қўлга киритилган ҳар бир маълумот синчиклаб текширилди, талайгина таҳминлар ишлаб чиқилди. Жиноятни очишимиз учун тўрт кун вақт керак бўлди. Ниҳоят ҳуқуқбузарлар қўлга олинди, суратлар эса музейга қайтарилди.

Бундан ташқари, "Омад қувончи" телевизион уйини ташкил этиб, кўпчиликни лақиллатган шахсларнинг қилмиши ҳам фош этилди. Шунга ўхшаш мисолларни яна келтириш мумкин. Жиноятни очишдан кўра олдини олган афзал. Шу боис ҳуқуқбузарликка мойил бўлган вояга етмаганлар ҳамда катта ёшдаги кишилар билан профилактик ишларни кучайтириш мақсадга мувофиқдир. Бу борада фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, фаоллар, кенг жамоатчиликка таяниб иш кўриш муҳим эканлигини унутмаслик лозим.



А. Икромов туманидаги Ҳайратий маҳалласида яшовчи фуқаролар профилактика инспектори, милиция капитани Орифжон Меликовни яхши билишади ва ҳурмат қилишади. Чунки Орифжон маҳалла оқсоқоли М. Ҳошимов, хотин-қизлар кенгаши раиси М. Абдурахимова ҳамда Б. Аҳмедов, С. Муҳитдинов, Х. Дўстмухамедов каби фаоллар билан ҳамкорликда маҳалланинг шаҳардаги энг обод масканлар қаторига олиб чиқиш йўлида тинимсиз иш олиб боришяпти.

**Суратда: Орифжон Меликов (ўртада) маҳалла раиси М. Ҳошимов ва фаоллар билан.**

**Т. КАРИМОВ олган сурат.**

### КУНУ ТУН СЕРГАК

**Алоқа воситалари кундалик ҳаётимизга шунчалик сингиб кетганки, баъзан уларга аҳамият ҳам бермаймиз. Ваҳоланки куну тун бизни республикамиз, ҳатто жаҳоннинг исталган нуқтаси билан боғлаб турган алоқа тармоқлари замирида бу соҳа ходимларининг машаққатли меҳнати, хизмати ётибди.**

Пойтахт ИИББ ҳам ривожланган ва ишончли алоқа тизимига эга. Шаҳар телефон тармоғидан фойдаланишдан ташқари, 16 та станцияси бор. Бу амалда барча бўлинмалар, жумладан милиция таянч пунктлари, мунтазам назорат масканлари билан узлуксиз алоқа таъминланган, дегани.

Ҳозирда шаҳарга туташ автомагистраллардаги барча йўл-патруль масканларида видеоқурилмалар ўрнатилган. Улар автоматик равишда автомобилларнинг давлат рақамлари ҳақидаги маълумотни ахборот-қидирув тизимларига узатади.

Агар мазкур автомобиль қидириладиган бўлса ёки ундаги шахслар бирор жиноят содир этганликда гумон қилинса, компьютер дарҳол бу ҳақда маълум қилади. ЙПХ

масканидаги компьютер маълумотлар банки билан махсус радиоканал орқали боғланган.

Турли ҳаракатдаги гуруҳлар, масалан, патруль-пост хизмати ходимлари ҳам бундай компьютердан фойдаланиши мумкин. ИИББ алоқа бўлими бошлиғи, милиция подполковниги В. Грудцин айтганидек, ички ишлар идораларида алоқа бамисли ҳаво ёки ёруғликка ўхшайди, у ҳақда ўйлашмайди, аммо алоқа ҳамма вақт, ҳар жойда бўлиши шарт.

### ЎЗ БИЛАН ТИЛЛАШИБ

**Сўнгги пайтларда жиноятчилардан кўплаб ўқотар қуроллар олинды. Эксперт муайян қурол (дейлик, тўппонча) отиш учун яроқлими, у илгари жиноий мақсадларда фойдаланилганми ва бошқа саволларга жавоб бериши керак.**

Криминалистрлар қуролнинг рақами ҳар қанча ўчирилган бўлса ҳам, уни аниқлай олишади. Эксперт-криминалистика бўлинмаларида жиноят рўй берган жойлардан топилган гильзалар ва ўқлардаги излар картотекалари мавжуд. Улар мазкур қурол шу пайтгача очилмаган бирор қотилликка алоқадорми ёки йўқлигини аниқлашга ёрдам беради.

— Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган Конституциямизда инсон ҳуқуқлари, демократия ва ижтимоий адолатга садоқат ўзининг кенг ифодасини топган, — деди А. Усманов. — У инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш учун мустаҳкам пойдевор яратди. Мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда нодавлат ташкилотлари, хусусан, маҳалланинг аҳамияти бекиёс.

Шу боис келаётган йилнинг Президентимиз томонидан "Обод маҳалла йили" деб эълон қилинишида ҳикмат кўп. Зеро, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, "ҳар қайси инсон, ҳар қайси хонадон ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида, одамларнинг бошини қовуштириш, турар жойларда тартиб-интизомни мустаҳкамлашда, ўзини ўзи бошқариш тизимини жорий қилишда маҳалланинг роли, аҳамияти ва моҳияти кундан-кунга ошиб бораётганини барчамиз кўриб турибмиз".

**— Мамлакатимизда жиноятчиликнинг олдини олишда профилактика хизматининг фаолиятини такомиллаштириш, маҳаллаларда фаолият юритаётган профилактика инспекторларининг ўзини ўзи бошқариш тизими вакиллари билан ҳамкорлигини кучайтириш борадиган қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Ички ишлар вазирлиги тизимида ўтказилаётган ислохотларда профилактика хизматида катта эътибор берилмоқда. Вазирликда Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш Бош бошқармаси ташкил этилиб, жойларда унинг бошқарма ва бўлимлари фаол иш бошлади. Маҳаллаларда фаолият юритаётган профилактика инспекторлари айни шу йўналишда хизмат қилади. Бугунги кунда улар бевоқиф истискомат жойларида содир этилиши мумкин бўлган турли ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларимизнинг ҳавфсизлигини таъминлаш, содир этилган жиноятларни "иссиғида" очишда маҳалла раиси, посбонлар, педагог-тарбиячилар ва кенг жамоатчилик ёрдамига суянган ҳолда иш олиб боришмоқда.

# МАҲАЛЛА — ОСОЙИШТАЛИК ҚЎРҒОНИ

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш Бош бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Аҳмаджон УСМАНОВ билан ЎЗА мухбири суҳбати.**

Бунинг учун, аввало, маҳаллаларда милиция таянч пунктлари ташкил этилди. Мамлакатимиз бўйича уларнинг сони уч минг тўрт юзга етиши режалаштирилган. Айни пайтда уларнинг 3 мингдан зиёди ҳуқуқат қарори талаблари асосида фаолият кўрсатмоқда. Мақсадимиз, аввало, ички ишлар идораларининг куйи тизими бўлган милиция таянч пунктларида фаолият кўрсатаётган ходимларни халқимизга янада яқинлаштириш, улар билан доимо бирга бўлиш, ёрдам кўрсатиш ва дардига малҳам бўлишдир. Қолаверса, бундан буён аҳолимиз туман, вилоят марказларига қатнаб овоза бўлмасдан, ўзларининг барча муаммоларига жавобни милиция таянч пунктларида олиши мумкин. Чунки милиция таянч пунктида ички ишлар идораларининг бошқа тармоқ хизматлари — жиноят қидирув, тергов, паспорт, йўл ҳаракати хавфсизлиги, пост-патруль, ёнғин хавфсизлиги хизматлари ва бошқа соҳа ходимлари фаолият кўрсатишади.

Милиция таянч пунктларини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад милиция таянч пунктларида, маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва ёшлар билан тарбиявий ишларни олиб борадиган ўзига хос маскан бўлиб қолишига эришишдир. Илгари бирон маҳалла ёки қишлоққа борсангиз, маҳаллақўм алоҳида бир иморатда, участка нозирини бошқа жойда бўларди. Эндиликда ташкил этилган милиция таянч пункти биносида профилактика инспектори, маҳалла раиси, маҳал-

ла посбони ва педагог-тарбиячи, яраштириш комиссияси ёнма-ён фаолият кўрсатади.

Бу эса, ўз навбатида, уларнинг ўзаро ҳамкорликда, баҳамжихат иш олиб бориши учун қулайлик туғдиради. Қолаверса, турли ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишда жамоатчилик, маҳалла посбонлари, тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда ўзини ўзи бошқариш идораларини жалб қилиш, улар билан ҳамкорликни кучайтириш ва бу борадаги тадбирларни мувофиқлаштириш бўйича тегишли чоралар кўриш имконини беради.

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 16 майда қабул қилинган "Ижтимоий кўникма марказлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори фаолиятимизда жуда кўл келмоқда. Мазкур қарорнинг асл мақсади-моҳияти воёга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ташкилий-тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, ҳар қандай ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш каби хайрли ишлардан иборатдир. Зотан, содир этилган жиноятни очишдан кўра, унинг олдини олиш афзал.

Айни чоғда милиция таянч пунктлари инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Хусусан, республикамиз бўйича маҳаллаларда, қишлоқлар, шаҳарчалар ва овулардаги фуқаролар йиғинларининг штат таркибига ёшлар ўртасида ташкилий-тарбиявий, оммавий-спорт ишларини ташкил этувчи педагог-тарбиячи лавозими киритилди. Ҳар бир маҳалла гузарига савдо шохобчалари, кутубхона ва маърифат хоналари, турли спорт ва

маданий-ижодий тўғараклар, устаноналар ташкил этилмоқда.

**— Кадрларни профилактика инспектори лавозимига тайинлашда қандай жиҳатларга кўпроқ эътибор қаратилмоқда?**

— Профилактика инспектори илгариги участка нозирдан кескин фарқ қилади. Бугунги кунда уларнинг аксариятини ёшлар ташкил этади. Маҳаллада профилактика инспектори етакчи роль тутмоғи лозим. У маҳаллада намунали жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашдан ташқари, яна кўплаб вазибаларни бажаради. Жумладан, маҳалла аҳлининг ҳуқуқий билим даражасини оширишда ҳам фаол иштирок этади. Бунинг учун унинг ўзи ҳуқуқий жиҳатдан етук мутахассис бўлиши керак.

Бу ишда биз Юртбошимизнинг ички ишлар идораларининг энг куйи бўғини бўлган милиция таянч пунктларида ҳар томонлама етук, халқ билан ишлашга билими, тажрибаси, ақл-идроки етадиган, жонкуяр профилактика инспекторлари бўлишига алоҳида аҳамият қаратиш ҳақидаги кўрсатмаларига қатъий амал қилмоқдамиз. Шу боис жиноятчиликнинг олдини олишда профилактика хизматининг фаолиятини такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Профилактика инспектори лавозимига навқирон, олий маълумотли ҳуқуқшунос ва педагог, жанговар касбий маҳоратни эгаллаган, ҳар томонлама билим савиясига эга ходимлар олинмоқда. Уларни саралашда ўқиш, хизмат жойларидан берилган тавсифномалар муҳим ўрин тутди. Қолаверса, профилактика инспектор-

ларининг билими, жанговар тайёрлиги даражаси эътиборимиздан четда қолмайди. Шу мақсадда, улар учун ҳудудий ўқув курслари, тест синовлари ўтказилмоқда. Президентимизнинг Фармонлари, қабул қилинаётган янги Қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликнинг буйруқларини ўрганиш борасида ҳар чоракда барча профилактика инспекторлари иштирокида жойларда семинар-кенгашлар ўтказиб борилади.

**— Конституция байрами арафасида "Миллий қадриятлар ва Ўзбекистон Конституциясини тарғиб қилишда энг фаол маҳалла оқсоқоли" кўрик-танлови якунланди. Унда нафақат маҳалла оқсоқоллари, балки профилактика инспекторлари, маҳалла посбонлари ҳам иштирок этди...**

— Таъкидланганидек, ҳозир милиция таянч пунктларини маҳаллалардан айри ҳолда тасаввур қилиш кийин. Зеро, маҳаллалардаги аҳолининг тинч-тотувлигини ва хавфсизлигини таъминлашда уларнинг ўзаро ҳамжихатлиги катта роль ўйнайди.

Шу боис бу йил танлов республика "Маҳалла" жамғармаси ва бошқа бир қанча ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилди. Ушбу уч босқичли кўрик-танлов давомида юртимиздаги барча маҳаллалар, милиция таянч пунктлари, профилактика инспекторлари, маҳалла посбонларининг иши таҳлил этилди.

Лекин ички ишлар идоралари ўртасида "Намунали милиция таянч пункти" кўрик-танлови ҳозир ҳам давом этмоқда, жойларда голиблар танловлари қилинмоқда. Шундан сўнг, 2002 йил якуни бўйича республикамиздаги энг яхши милиция таянч пункти, энг яхши профилактика инспектори, энг яхши посбон ва энг яхши педагог-тарбиячилар аниқланади ва уларга совринлар топширилади.

Профилактика хизматида Президентимиз, ҳукуматимиз ва Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти томонидан алоҳида эътибор берилиб келинмоқда. Биз эса халқимиз тинчлиги, осойишталигини сақлашда, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда аҳолига, жамоатчиликка суянган ҳолда ҳалол, фидокорона меҳнат қилишимиз лозим.

**Беҳзод НОРБОВ суҳбатлашди.**

## Йўл қондаси — умр фойдаси

**Тошкент шаҳар ИИББ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси тарғибот бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Вячеслав Тутин ва бўлим нозирини, милиция капитани Ойбек Отабеков ҳамроҳлигида "Автопатруль" машинасида тунги пойтахтни айландик. Машина кечкурун соат олтиларда кўзгалар экан Ойбек рация орқали бутун Тошкент шаҳар ЙПХларига мурожаат қилди:**

— Ҳамма-ҳаммага! Бугун биз "Postda" газетаси ходими билан рейд ўтказамиз. Шаҳарда қандай йўл ҳаракати қондалари бузилиши, жиноятлар содир бўлган бўлса, "Автопатруль"га маълум қилишингизни сўраймиз.

Орадан кўп ўтмай рациядан:

— 16, "Автопатруль"га! — деган қақирқ эшитилди.

# ТУНГИ ПОЙТАХТ

— 16, Мен "Автопатруль"ман. Эшитаман.

— Кичик ҳалқа йўлининг эски Тезиковка қисмида автоҳалокат юз берган, тез етиб келинглр!

— Қабул қилдим, кетяпмиз.

Биз фожиа содир бўлган жойга етиб келгунча ёмғир кучайиб кетган эди. Йўл ёқасида "Дамас" машинаси чап томонга ёнбошлаб қолган, ўн метрлар нарида боши қаттиқ жароҳатланган одам ётарди. Биз бу ҳолисани ЙПХ бўлима сардори ўринбосари, милиция майори Акром Тўйчиевдан изоҳлаб беришни илтимос қилдик.

— Биринчидан, — гап бошлади у, — пиёда ер ости йўли туриб, катта йўлдан ўтган. Иккинчидан, қоронғуда, ёмғир ёғиб турганда ҳайдовчи Д. Баранов тез келган, ўтаётган пиёдани кеч кўрган. Ўнг томонга рулни бурган, пиёда ҳам ўнг томонга ўзини ташлаган. Натижада машина пиёдани уриб юборган.

Бу пиёда ер ости йўли туриб нега устидан ўтди экан деб, пастга тушдик. Ер ости йўлаги зимистон бўлиб, бу ердан ўтиш учун кишига фонарь керак бўлар эди. Балки, йўлак ёруғ бўлса, бу фожиа рўй бермасиди.

Биз машинамизга қайтиб йўлда давом этарканмиз, рациядан:

— "Автопатруль", 10-га, — деган овоз эшитилди.

— 10-"Автопатруль" эшитилди.

— Тезда Ҳамза тумани ИИБга етиб келинглр!

Бўлимга кириб келар эканмиз, навбатчилик қисми ёнида ўзларнинг айтган кишига дуч келдик. У машинасини биров зўрлик қилиб олиб қочганини тушунтирар эди.

— "Тутиш" тадбирига киришган гуруҳга биз ҳам қўшилдик. Йўл-йўлақай машина ичидаги рация орқали ҳамма гапни эшитиб борар эдик.

— "ВА3-2106" машинаси олиб қочилган. Ҳайдовчи осёлик, семиздан кел-

ган йигит, камзулда. Машина рақами 10 F3812, оч жигаранг, машинанинг олдинги қисми эзилган.

— Ҳамма-ҳаммага! Шаҳардан чиқаётган барча машиналарни тўхтади, яхшилаб текширинглр. Мотори, кузовининг рақамига қаранглр.

— Мен билан ҳамма алоқа боғлаб турсин.

Орадан 50 дақиқалар ўтди. Рациядан "Ҳамма Фарғона йўлига!" — деган буйруқ эшитилди. Биз ҳам шу жойга тез етиб бордик. Йўлнинг чап томонида икки гилдираги ариқ ичига тушиб ётган "ВА3-2106" машинасини тўрт тарафидан ЙПХ ходимларининг автомобиллари ўраб олган, ходимлар эса машина ўғирсини ушлаб туришарди.

Олиб қочилган машинани бўлима сардори, милиция подполковниги М. Ашурметов, унинг ўринбосари, милиция капитани Ш. Толибоев ва милиция сержанти А. Боймаковлар кўлга туширдилар...

Ҳайдовчи топилган машинасини кўриб севинчи ичига сиғмас, ЙПХ ходимларидан фоят миннатдор эди.

— "Автопатруль", "30" га!

— рация яна "тилга" кирди.

— "Автопатруль" эшитилди.

— 5-касалхонага келинглр.

— Тушундим, кетяпмиз.

Кўп вақт ўтмай касалхонанинг наркология лабораториясига кириб келдик. Бизни баланд бўйли бир йигит ҳушқайфият билан қаршилади:

— Келинглр, сизларни кутиб ўтирибман.

У оёқда зўрға турарди.


— Бу "артист" ҳозиргина машинаси билан аввал "Дамас"ни уриб юборди,

кейин ўзи симёғочга урилди. Уни экспертизага олиб келдик, — деди 2-сафарбарлик гуруҳи аъзоси, милиция старшинаси Б. Маҳмудов.

Биз Миробод туманидаги "Меҳржон" кўчасида содир бўлган автоҳалокатни бориб кўрдик. Ҳайдовчи В. Умаровнинг машинаси пачоқ бўлган эди.

Мана, кадрли муштарийлар биз бир тунда бўлиб ўтган айрим воқеаларнигина эътиборингизга ҳавола этдик. Ўйлаймизки, пойтахтда тинчлик, осойишталиқни сақлашга масъул фидойи инсонларнинг машаққатли меҳнати ҳақида озгина бўлса-да, тасаввур ҳосил қилдингиз.

**Т. КАРИМОВ.**



## Долзарб мавзу

**Маълумки, Президентимиз томонидан "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Фармон эълон қилинди. Унинг ўз вақтида ва аниқ бажарилишини таъминлаш айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларидан юқори малака ҳамда масъулият талаб этади. Жазони ижро этиш муассасаларида қонунларга риоя этилиши устидан назорат бўйича махсус прокурор, адлия маслаҳатчиси М.Эрматов билан суҳбатимиз мазкур Фармон ижроси хусусида бўлди.**

– **Махрамкул Бобоқулович, аввало ушбу Фармоннинг аҳамияти тўғрисида гапирсангиз.**

– Мазкур ҳужжат умумхалқ байрами – мустақил давлатимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн йиллиги арафасида қабул қилинганлигининг ўзи ҳам сиёсий, ҳам тарихий аҳамиятга эгадир. Тоталитар тузумга асосланган собиқ иттифоқнинг 73 йиллик ҳукронлиги даврида 30 га яқин амнистиялар чиқарилган. Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритганига атиги ўн бир йил ўтган бўлса-да, Юртбошимиз томонидан мамлакатимиз ҳаётининг турли тарихий саналарига бағишланган ўн учта (шу жумладан, уларнинг учтаси Конституциямиз қабул қилинган санага бағишланган) Амнистия тўғрисидаги Фармонлари қабул қилинди.

Уларнинг барчаси ўз мазмун-моҳиятига кўра олижаноблик, инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойилларига асосланган бўлиб, жиноят содир этган шахсларни жазодан озод қилиш, жазодан озод этилмайдиган маҳкумларнинг жазо муддатларини тегишлича қисқартириш кўзда тутилган эди.

Мазкур Фармоннинг Қарияларни қадрлаш йилида қабул қилинганлигининг сиёсий ва ижтимоий аҳамиятини минглаб, аввало 60 ёшдан ошган эркаклар, шунингдек аёллар, вояга етмаганлар ва бошқа шахсларнинг жазодан озод этилиб, оилалари бағрига қайтишгани, улар осуда ҳаёт кечириб, сеvimли ишлари билан шуғулланишлари учун имконият яратилганлигида ҳам кўриш мумкин.

– **Фармон энг аввало кимларга нисбатан ва қандай тартибда қўлланилиши ҳақида ҳам тушунча бериб ўтсангиз?**

– Мазкур Фармоннинг биринчи моддасига асосан аёллар, Фармон қонуний кучга киргунга қадар вояга етмаган ёшида жиноят содир этганлар, қонунда белгиланган тартибда биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган шахслар, 1942 йил 4 декабрга қадар туғилган эркаклар, биринчи марта судланган чет эл фуқаролари ва эҳтиётсизлик орқасидан жиноят содир этган шахсларнинг барчаси жазодан озод этиладилар.

Иккинчи моддасига кўра биринчи марта уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга эҳуд озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган

шахслар жазодан озод қилинадилар. Бундай фуқаролар жумласига шартли ҳукм этилиб, синов муддати берилганлар ҳам кирилади.

Учинчи моддасига асосан иқтисодиёт ва ҳўжалик фаолияти соҳасида жиноятлар содир этиб, етказилган зарарни тўлиқ қоплаган биринчи марта судланган шахслар жазодан озод қилинадилар. Мазкур Фармонни қўллаш тартиби

тўғрисидаги Низомга асосан иқтисодиёт ва ҳўжалик соҳасида содир этилган жиноятлар деганда Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 167 ва 170-моддасидан 192-моддаларига қадар назарда тутилган жиноятларни тушуниш лозим бўлади. Бундай шахсларга Амнистия улар юқорида қайд этилган моддаларнинг айримлари ва Жиноят Кодексининг 205, 206, 209 ва 301-моддалари мажмуи билан фақатгина ҳўжалик соҳасидаги жиноятларни содир этганлиги учунгина судланган ҳолларда ҳам татбиқ этилади.

– **Бирор диний-экстремистик ташкилотда иштироки ва унинг таркибида Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган жиноятлар содир этган шахсларга ҳам мазкур Фармон қўлланилиши қайд этилган. Шу ҳақда батафсилроқ тушунча бериб ўтсангиз?**

– Фармоннинг еттинчи моддаси "в" бандига кўра унинг маҳкумларни жазодан озод этишни назарда тутувчи 1-3, 5-моддалари, шу билан бирга жазони тегишлича қисқартиришни назарда тутувчи 6-моддаси экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши жиноятларга ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этган шахсларга татбиқ этилмаса-да, бироқ Юртбошимизнинг нақадар бағрикенг ва кечиримли эканликларини Фармоннинг тўртинчи моддасида қайд этилган қоидаларда яққол кўриш мумкин.

Чунончи, бу тоифадаги жиноятларни биринчи марта содир этган маҳкумлар судлар томонидан ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ёки озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм этилиб, жазони ўташ давомида тузалиш йўлига қатъий ўтган ва бундай шахсларнинг содир этган жиноятдан чин кўнгилдан пушаймонлиги ҳақидаги аризаси ҳамда жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти томонидан уларнинг ўз қилмишидан амалда пушаймон бўлганлигини тасдиқловчи хулосаси, улар яшайдиган жойлардаги фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларининг кафилик хатларига асосан жазодан озод қилинадилар. Ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этилган бу тоифадаги маҳкумларнинг эса юқоридаги асосларга кўра жазо муддатлари

йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларнинг жазо муддати эса тегишлича бешдан бир қисмига қисқартирилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур Фармон ўта хавфли рецидивистларга, жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган маҳкумларга ҳамда муқаддам афв этиш ёки Амнистия тартибида жазодан озод этилган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Жазони ўташ тартибини қасддан бузаётган шахслар қуйидагилар ҳисобланади: мазкур Фармон қабул қилинганга қадар жазони ижро этиш муассасаси томонидан берилиб, амал қилиш муддати тугамаган ёки рағбатлан-тириш тарзида олиб ташланмаган икки ёки ундан ортиқ интизомий жазоси бўлган маҳкумлар, ахлоқ тузатиш иши жазосини ўташдан бош

лан бирга унинг 1-3, 5-моддалари экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этган шахсларга ҳам татбиқ этилмайди.

Жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган бошқа жиноятлар деганда Жиноят Кодексининг жинойи уюшма ҳамда оммавий тартибсизлик ташкил этганлик ёки унда фаол қатнашганлик, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид солувчи материалларни тайёрлаш, тарқатиш ва бундай ишларни амалга ошириш учун қонунсиз ташкилотлар тузиш ва бу тақиқланган ташкилотларда иштироки учун жинойи жавобгарлик назарда тутилган жиноятларнигина тушуниш лозимдир.

ганларнинг халқимиз олдида юзлари шувут, Президентимизнинг бағрикенглик кўрсатиб бундай фуқароларнинг гуноҳларидан ўтганлиги бу тоифадаги шахсларни лол қолдирди.

Жазодан озод этилган шахсларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш зарур. Келгуси йилнинг "Обод маҳалла йили" деб эълон қилинганлиги ҳам бежиз эмас. Чунки фуқаронинг кимлиги ва нима иш билан шуғулланиши маҳалла аҳли назардан четда қолиши мумкин эмас.

Шу ерда қайд этиш лозимки, давлатимизнинг конституциявий тузумига қарши жиноятлар содир этган шахсларни жазодан озод этишда уларнинг қилмишларига чин кўнгилдан пушаймонлигидан ташқари бундай шахсларнинг яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кафилик хатлари бўлиши зарурлиги ҳам маҳаллий бошқарув органлари обрўсини яна бир поғона юқорига кўтарди. Бундан ташқари, бундай ваколат улар зиммасига алоҳида масъулият ҳам юклайди.

Жазодан озод қилинганларни ижтимоий ҳимоялашда, айниқса жойлардаги ижтимоий кўнжим Марказларининг ўрни бекиёсдир. Чунки уларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фармойиши билан тасдиқланган "Ижтимоий мослашув Марказлари тўғрисида"ги Низом асосида катта ваколатлар берилган. Улар жазодан озод этилиб, ўзи яшайдиган туманга қайтган шахсга моддий ёрдам кўрсатиш ва ишга қабул қилинишларида яқиндан ёрдам кўрсатишлари зарур. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, бундай шахсларни турли вахлар билан ишга қабул қилишни рад этиш қонунга биноан жавобгарликни кўзда тутати.

Жойлардаги ҳокимликлар, соғлиқни сақлаш идоралари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари барча жазодан озод этилганларни тўлиқ ҳисобга олиб, уларни зарур бўлса доволаш муассасаларига жойлаштириш ва турмуш шароитларини яхшилаш юзасидан барча чораларни кўришлари шарт.

Олижаноблик, инсонпарварлик, бағрикенглик, кечиримлик каби фазилатларга асосланган ва ўзбек халқининг тарихий-миллий аъналарини ўзида уйғунлаштирган мазкур Фармон асосида жазодан озод этилган шахслар ҳам бизнинг фарзандимиз, акамиз-укамиз, қолаверса ватандошимиз эканлигини унутмаслик зарур. Бундай шахслар ўзларига ғамхўрлик кўрсатилаётганлигини ҳар қадамда ҳис қилиб туришса, улар томонидан яна такрор жиноятлар содир этилишининг олдини олиш мумкин. Бу эса барчамизнинг зиммасига жуда масъулиятли вазифани юклайди.

**Суҳбатдош:**  
**Исмоил МИНАВАРОВ.**

# АМНИСТИЯ – ЮКСАК БАҒРИКЕНГЛИК ИФОДАСИ

бешдан бир қисмига қисқартирилади.

– **Жиноят ишлари юзасидан дастлабки тергов олиб борилаётган ёки иши судда бўлган шахсларга мазкур Фармоннинг қўлланилиш тартиби ҳақида ҳам бир оз тушунча бериб ўтсангиз?**

– Фармоннинг бешинчи моддасига кўра, унинг 1-моддасида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар, шунингдек ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар ҳаракатдан тўхтатилади. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар деганда, қасддан содир этилиб, уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этиш тарзидаги ҳамда эҳтиётсизликдан содир этилиб, беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар тушунилади.

– **Фармон бўйича маҳкумларга белгиланган жазоларни қисқартириш тартиби ва умуман Фармон қандай шахсларга нисбатан қўлланилмаслиги ҳақида ҳам тўхталсангиз?**

– Фармоннинг 6-моддасига кўра, қасддан содир этган жиноят учун ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларнинг ўталмаган жазо муддати тўртдан бир қисмига, ўн

торттанлик учун судларнинг ажримларига асосан шартлилиги бекор қилиниб, тайинланган жазони ўташ учун юборилган, шунингдек манзил колонияларидан тегишли тартибли колонияларга қайтарилган шахслар (башарти улар ҳибсга олинган кундан бошлаб бир йилдан кам муддат ўтган бўлса), ҳамда жазони ўташ, ҳукм ижроси кечиктирилган ёки синов муддати давомида қасддан жиноят содир этган маҳкумлар.



Бироқ судлар томонидан Жиноят Кодексининг 60-моддаси қўлланилган шахсларга нисбатан ушбу Фармон озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ даврида қасддан жиноят содир этган шахслардан бошқа маҳкумларга, башарти ҳукм кучга кирган кундан бошлаб бир йилдан ортиқ муддат ўтган бўлсагина қўлланилиши мумкин.

Бундан ташқари, Жиноят Кодексининг 97-моддасида кўрсатилган қасддан одам ўлдирганлиги учун судланган шахсларга ҳам мазкур Фармоннинг 1-моддаси татбиқ этилмайди. Шу би-

– **Синов муддати ёки жазони ўташ давомида эҳтиётсизликдан жиноят содир этган шахсларга, агар улар муқаддам афв этиш тўғрисидаги ҳужжатларга асосан жазодан озод этилган бўлсалар, мазкур Фармон қўлланиладими?**

– Сўзсиз, мазкур Фармон қўлланилади.

– **Ҳокимликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, фуқароларни ўз-ўзини бошқариш**

**органлари, корхона, муассасалар раҳбарлари ва жамоатчилик олдида Фармоннинг ижроси билан боғлиқ қандай вазифалар турибди, деб ҳисоблайсиз?**

– Фармон қабул қилинди, унинг ижроси ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан сўзсиз таъминланади. Ҳозирги асосий вазифа жазодан озод этилиб, уйига қайтаётган фуқароларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиб, уларни бағримизга олишдир. Шусиз ҳам улар, айниқса Ўзбекистоннинг конституциявий тузумига қарши жиноятлар содир эт-

# UCHINCHI «Поетга» gazetasing ilovasi

## TV OLAM

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,  
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,  
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,  
HAYRATOMUZ VOQEALAR,  
SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

Бундан тўрт миллиард йиллар аввал биз яшаётган Қуёш тизими ҳали ёш ҳисобланарди. Ундаги энди-энди пайдо бўлаётган сайёраларга сон-саноксиз астероидлар ва кометалар ёғиларди. Хусусан, дастлабки 500 миллион йил давомида бундай "бомбалар" ёмғири муттасил давом этди. Она сайёраимизга энг яқин бўлган Марсдан ана шундай зарбалар таъсирида миллиардлаб бўлакчалар турли томонларга сочилди. Уларнинг айримлари Ергача етиб келган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Агар уларда тирик заррачалар мавжуд бўлса, заминда ҳаёт қандай пайдо бўлганлиги ўз-ўзидан ойдинлашарди. Аммо яна бир савол туғилади. Улар қандай қилиб фазовий бўшлиқ (вакуум) ва Қуёшнинг ультрабинафша нурларининг ҳалокатли таъсиридан омон қолишган. Бу саволга Калифорниядаги НАСА илмий-тадқиқот маркази микробиологлари Рокко Манцинелли ва Линн Ротшильд жавоб беришга уринишяпти.



### ТУЗ – ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ

Уларнинг офисларидаги тахмонларда кўплаб туз бўлақларига кўзингиз тушади. Биз зарарли деб ҳисоблайдиган тузларни хуш кўрувчи микроорганизмлар ҳам ҳаётда бор экан. Галофилиялар деб аталувчи бу бактериялар ташқи таъсирларга ўта чидамли бўлишади. Тадқиқотчилар балки улар космосда узоқ парвоз чоғида учрайдиган зарарли таъсирларга ҳам бардош бериша олар деб ўйлаб қолишди.

Тажриба тариқасида бир неча дискнинг ҳар қайсисига ўн миллионтадан бактерия жойлашди. Сўнг уларни сунъий йўлдошга ортиб, коинотга йўллашди. Икки ҳафталик парвоздан кейин текшириб кўришса, микроорганизмларнинг 10 фоизидан 75 фоизигача тирик қолган эди!

1980 йилда Германия Космик агентлиги микробиологи Герда Хорнек ўз тажрибахонасидаги бактерияларни олти йиллик орбитал парвозга жўнади. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг уларнинг 30 фоизи тирик қолади. Қандай қилиб дейсизми? Туз заррачаларига беркиниб! Демак, туз тирик организмларни коинотнинг ҳалокатли радиацияси таъсиридан сақлай оларкан-да. Илмий тахминларга кўра бундай макондан панох топанг бактериялар коинотда миллион йиллаб нобуд бўлмаслиги мумкин. Сон-

саноксиз юлдуз кезиб юрган жонли зарраларга бу муддат ўзига қулай янги "уй" топиш учун етарли.

Одамлар бундай дайди, тирик заррачалар ҳақида минглаб йиллар илгари ҳам тасаввурга эга бўлишган. Аммо олимлар бу муаммага фақат XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб жиддий эътибор беришди.

1871 йили британиялик физик Вильям Томсон Кельвин Эдзбургдаги ҳамкасбларига шундай деди: "Биз катта ишонч билан айта оламизки, коинотда ҳаёт манбаи бўлган сон-саноксиз метеоритлар кезиб юради. Ҳозир Ерда ҳаёт бўлмаганида, биргина шундай тош бой ўсимликлар дунёсини вужудга келтириш учун етарли бўларди".

1903 йилда швед кимёгари, Нобель мукофоти соҳиби Сванте Аррениус бошқача фаразни илгари сурди. Унинг фикрича, тирик заррачалар бир сайёрадан бошқасига метеоритлар ёки астероидлар воситасида

Азиз ойижонимиз **Тўтинисо ая ҲОЖИМУРОДОВА**ни таваллуд топган кунлари билан чин дилдан муборакбод этамиз. Меҳрибонимизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва доимо бардам бўлиб юришларини тилаймиз.

Бахтимизга омон бўлсинлар!  
**Фарзандларингиз ва набираларингиз.**

Бухоро вилояти ИИБ катта тезкор вакили, милиция катта лейтенанти **Камолжон ВАҲОБОВ**ни 21 декабрь таваллуд айёми билан самимий табриклаймиз. Узоқ ва мазмунли умр, сиҳат-саломатлик ва ишларида катта ютуқлар тилаймиз.

**Турмуш ўртоғи, қизин Муҳаббатхон ва ўғли Мироншоҳ.**

## ШАҲОН КУЛАДИ

Икки севишган ресторанга овқатланиш учун киришди. Буюртма бериш ҳам эсларидан чиқиб, бир-бирларига тикилиб ўтираверишди.

— Сизга қараб ҳеч тўймайман, еб қўйгим келяпти, — деди йигит.  
— Мен ҳам, — деди қиз.  
Тепаларида уларни кузатиб турган официант томоқ қириб сўради:  
— Устидан бирор нима ичасизларми?

## МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

## Келгуси ҳафта учун

## ҚЎЙ (21 март — 20 апрель)

Ушбу ҳафтада ҳадеб сиқилаверманг, зеро ишлар кўнгилдагидек бормоқда. Олаётган маошингиз етарли. Ҳамкасбларингиз билан муносабатлар кўнгили кечади. Саломатлигингиз жойида бўлишига қарамай парҳез сақлашнинг айна вақтидир.

## СИГИР (21 апрель — 21 май)

Кайфиятингиз дуруст, аммо хонадондаги вазият бир оз ташвиш туғдиради. Кўчмас мулк ва қурилиш билан боғлиқ масалалар кўнгилдагидек кечмайди. Шахсий ҳаётингизда қувончли воқеалар рўй беради. Ҳамкасбларингиз, шунингдек қўл остингиздаги кишилар кўп ишларда кўмаклашадилар. Дўстлар маслаҳати ҳам асқотиши мумкин.

## ЭГИЗАКЛАР (22 май — 21 июнь)

Чоршанба кундан бошлаб қўлингизга пул тушади. Ҳафтанинг бошида эса аксинча моддий қийинчиликлар туғилади. Дўстларингиз алоқа ва транспорт бўйича ёрдам беришади. Фарзандларингиз ҳамда севган кишингиз билан муносабатлар кўнгили кечади. Тижорат ишларида муваффақиятга эришасиз. Раҳбарлардан узоқроқ юргангиз маъқул.

## ҚИСҚИЧБАҚА (22 июнь — 23 июль)

Мазкур ҳафтада хонадондаги юмушлар билан шугуллангиз. Жамоадаги вазият жиддийлашиб, келишмовчиликлар кутилмоқда. Раҳбарлар ўзларини тушунарси тутишади, шу боис уларнинг кўзига кўринмасликни маслаҳат берамиз. Автомобиль ва телефон билан боғлиқ муаммолар тез ҳал бўлади

## АРСЛОН (24 июль — 23 август)

Кайфиятингиз ёмон аҳволда. Аёллар умр йўлдоши, эркаклар эса шериклари билан низолашиб қолишади. Мазкур ҳафтада пул ишлаб топиш ҳақида ўйламасангиз ҳам бўлади. Бошликлар билан муносабатлар ўзингиз ўйлаган даражада кечади. Шахсий ҳаётингизда кўнгили воқеаларнинг гувоҳи бўласиз. Сешанба ва чоршанба кунлар муваффақиятлар кутилмоқда.

## БОШОҚ (24 август — 23 сентябрь)

Ўзингизни осойишта тутиб, бирор қарорга келишда шовилманг. Фарзандларингиз ва севгилингиз ҳаётида рўй бердиган ўзгаришлардан руҳингиз кўтарилди. Узоқ жойга сафарга бормасликни маслаҳат берамиз. Ҳуқуқий масалаларда қийинчиликлар кутилмоқда.

## ТАРОЗИ (24 сентябрь — 23 октябрь)

Кайфиятингиз аъло даражада. Ишлаб топган даромадингиз узоқ сафарда асқотади. Яқин дўстингиз ўз муаммолари билан ташвишга қўйиши мумкин. Оилавий муносабатлар яхши кечмайди. Тижорат борасидаги ишлар ҳам юришмайди. Душанба, чоршанба ва якшанба кунлар муваффақиятга эришасиз.

## ЧАЁН (24 октябрь — 22 ноябрь)

Сафарлар омад келтирмайди. Ушбу ҳафтада автомобиль бошқармагингиз маъқул. Дўстларингиз билан дилдан суҳбатлашасиз. Яқинларингиздан асло ранжиманг. Чоршанба ва жума кунлар муваффақиятларга эришасиз. Шанба кунки кичик кўнгилиликлар кутилмоқда.

## ЕЙ (23 ноябрь — 21 декабрь)

Кўп нарсаларни ўз зиммангизга оласиз. Низо келиб чиқишидан эҳтиёт бўлинг. Узоқ сафарларни рад этиб, суд жараёнида қатнашмагнингиз маъқул. Қўл остингиздаги ходимлар хурматингизни жойига қўйишади. Саломатлигингизни тиклаш ва махфий ишлар билан шугулланмагнингиз мақсадга мувофиқдир.

## ТОҒ ЭЧКИСИ (22 декабрь — 20 январь)

Энг қизиқарли воқеалар келгуси ҳафтада рўй беради. Оилавий ва кўчмас мулк билан боғлиқ ишлар юришади. Раҳбарлар оғру-этиборингизни ўрнига қўйишга ҳаракат қиладилар. Мазкур ҳафтада ҳуқуқий масалалар билан шугулланмасликни маслаҳат берамиз. Душанба ва сешанба кунлар омадингиз юришади.

## ҚОВГА (21 январь — 19 февраль)

Маблағ, банк ва солиққа оид муаммолар юзага келиши эҳтимоли бор. Шунга қарамай хонадонингизда тотувлик ҳукм суради, раҳбарлар билан муносабатларингиз яхшиланади. Душанба ва шанба кунлар кўнгилисизликлар келиб чиқиши мумкин. Ўзингизни қўлга олиб, эҳтиёткорлик билан иш кўринг.

## БАЛИҚ (20 февраль — 20 март)

Кайфиятингиз кўтаринки бўлади. Хонадондаги вазият бир оз ташвишга солиши эҳтимолдан холи эмас. Тижоратда ҳам қийинчиликлар сезилади. Мазкур ҳафтада қарз олсангиз ютқазмайсиз. Раҳбарлар билан муносабатлар сиз ўйлаган даражада кечмайди. Сешанба ва шанба омадли кунлардир.

## Жаҳон адабиёти дурдоналари

Ҳақиқатда ҳам бу иш ҳаммага қоронғи эди. Суд ҳайъати, суд раиси, ҳатто прокурорнинг ўзи ҳам жон-жаҳди билан уринишига қарамай, ишнинг тағига етиб бўлмади.

Манталек Варамбо жанобларининг Розали Прюдан деган оқсоч қизи иккиқатлигини хўжайинларидан яширган, кечаси ҳеч кимга билдирмасдан ўз хужрасида туққан болалини ўлдириб, боққа кўмиб қўйган.

Агар ҳеч ақлга сиғмайдиган ажиб бир ҳолат бўлмаганда-ку бу барча оқсоч қизлар қилиб юрган оддий бир воқеадек бўлиб қоларди. Тинтиш чоғида Прюданнинг хужрасидан унинг ўз кўли билан болага атаб тикиб, тайёрлаб қўйилган анча нарсалар чиққан: бу нарсаларни у уч ой давомида кечалари бичиб-тикиб юрган. Шу нарсаларни кечалари тикиш учун топган-тутганига шам олиб юрганлигига боққол гувоҳлик берди. Бундан ташқари, суднинг аниқлашига кўра, Розали ўша ерли доя хотинга бориб маслаҳат сўраган. Доя хотин унга борди-ю бирдан тўлғоқ тутиб қолиб, бировни ёрдамга чақиришга фурсат бўлмай қолса нима қилишни яхшилаб тушунтириб берган. Яна ўша хотин унга Пуассидан бир уй ҳам топиб берган, негаки, Варамболар ҳаромдан парҳез қилишларини ва бу ишни билиб қолишса уни ҳайдаб юборишларини Розали яхши билар экан.

Қишлоқнинг обрўли кишиларидан бўлган эр-хотин Варамболар бир расво хотин уларини бадном қилишга журъат этганига фиғонлари чиқиб, залда ўтиришарди. Улар қизни суд қилиб ўтирмасданок, ўша оннинг ўзида гильотинга юборишга шунчалик шошишардики, энг кичик далил ҳам уларнинг оғизларидан хукмга ўхшаб чиқарди.

Суд қилинаётган хотин чиройли, барваста, ўз табақасидан бўлган хотинларга қараганда хийлагина шахар акси урган, куйи нормандиялик бўлиб, кўзларидан ёш тўкканича жим ўтирарди.

Кўпчилиكنинг фикрича, бу ваҳшиёна ишни у жаҳл устида қилган, негаки, унинг ҳамма иши тўнғич боласини

ўстириш умидида эканлигини кўрсатиб турарди.

Суд раиси қизни иқроор қилдириш учун яна уни гапиртиришга уриниб кўрди ва ниҳоят, қизга бу ерга йигиллишдан мурод уни ўлимга ҳукм қилиш эмас, аксинча, унга бериладиган жазони енгиллаштириш эканлигини мулоимлик билан аниқлади.

Шундан сўнг қиз бир оз журъат пайдо қилди.

Унинг сўзлашга майл пайдо қилганини пайқагач, суд раиси:

– Хўш, қани, энди айтиб

га кўз тикиб юрганида, афандим, бунақа иш кўнглимда ҳам йўқ эди. Худонинг берган куни хушомад қилади, алдайди, афандим; бўшлик қилдим. Айниқса чиройлисан, ёқимтойсан, менга жуда ёқасан, деяверганидан кейин ўзимни тутолмадим. Менга бўлса, энди яшириб нима қилай, у жуда ҳам маъқул бўлган эди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, унга қарамай бўлармиди. Ахир, ёлғизман, етимман, сўққа бошим, афандим. Ёруғ дунёда ҳеч кимим: на икки оғиз сўзлашадиган, на

ҳам шу ерда ўтирипти. Унга ҳаммасини айтиб бердим ва агар доясиз туғишга тўғри келса нима қилишим кераклигини сўрадим. Ундан кейин боланинг нарсаларини тикишга тушдим. Ҳар куни ярим кечадан оғунча иш тикадиган бўлдим. Ўзимга уй ҳам топиб қўйдим, ахир, хўжайинларимнинг ҳайдаб чиқаришларини билардим-да. Фақат шу, бир амаллаб охирги кунгача шу жойда туриш ва кўпроқ пул йиғишнинг пайига тушдим. Ахир, ҳеч нарса йўқ, бола боқишга пул керак.

одам йўқ. Иккинчиси туғилса бўладими. Иккинчи бола-я... буни қаранг, иккита-я... рост... рост... иккита... Уни ҳам худди биринчисига ўхшатиб ердан олдим, аввалгисининг ёнига ётқизиб қўйдим... Шунақа ҳам бўладими, ўзингиз айтинг! Эгизак-а! Ойига йигирма франкина олсам. Қандоқ қилай, ўзингиз ўйланг! Битта бўлса ҳам гўрга эди... ўзим емасам ҳам... иккитасини! Бошим қотиб қолди... Нима қилсам бўларди, айтинг-чи? Биттасини олиб қолиб... шундай

Ги де Мопассан

# РОЗАЛИ ПРЮДАН

(Нобелла)

беринг-чи, боланинг отаси ким? – деди.

Қиз ҳаммадан ҳам шуни жону дили билан яширмоқда эди.

Қиз ҳозиргина оғизларини кўпиртириб, унинг ҳақида сўзлаб бўлган хўжайинларига тикилганича:

– Жозеф жаноблари, у Варамбо жанобларининг жияни бўлади, – деди.

Кутмаганда бундай гапни эшитган эр-хотин ирғиб тушишди ва бараварига:

– Ёлгон! Алдаяпти, расво! – дейишди.

Суд раиси уларни жим ўтиришга мажбур қилди, яна айбдорга қараб:

– Марҳамат, давом этаверинг, бор ҳақиқатни судга айтиб беринг, – деди.

Мана энди у сўзлаб, ўзининг биров олдида очилмаган, ғамга тўлиб озор чеккан кўнглини бўшатар, ўзининг бор дарди, ҳасратини яширмасдан, назарида беомон душмандай кўринган одамлар, бераҳм судьялар олдида тўкмоқда эди.

– Ҳа, шундай, Жозеф Варамбо жаноблари, у киши ўтган йил бизниқига отпусскага келган эдилар.

– Жозеф Варамбо жаноблари нима иш қилдилар?

– У киши, афандим, артиллерияда унтер-офицер. Ёзда бизниқида икки ой меҳмон бўлиб кетдилар. У киши мен-

ҳасратимни айтадиган одамим бор. На ота-онам, на опа-синглим, на ака-укам – ҳеч кимим йўқ. У мен билан биринчи гапиршгандаёқ, худди кўпдан кўришмаган акам келгандай бўлди. Шундай қилиб, бир куни кечкурун дарёнинг бўйига чиқ, ўша ерда, ҳеч ким халал бермайдиган жойда сўзлашиб ўтирамыз деди... Бордим... Ундан кейин билмайман, ўзим ҳам билмайман... Кучоқлади, унамадим... йўқ... ишонасизми, ахир бўлмади. Хаво шунақа яхшимиди, ўз-ўзидан одамнинг ўпкаси тўлиб кетарди, унинг устига ой... ахир бўлмади, рост, ахир бўлмади. Билганини қилди. Уч ҳафтагача, то кетгунича шу аҳвол бўлди. Мен у билан дунёнинг нариги бурчагига деса ҳам кетаверардим... Кетиб қолди. Ҳомиладор бўлиб қолибман, бир ойдан кейингина билдим...

Қиз ўзини тутолмай шундай аччиқ-аччиқ йиғлаб юбордики, то ўзини тутиб олгунича кутиб туришга тўғри келди.

Кейин суд раиси меҳробда турган руҳонийдек:

– Хўш, хўш, ундан кейин, – деди.

Қиз давом қилди:

– Ҳомиладор бўлиб қолганимни билишим биланок, доя хотин Буден хонимнинг олдида бордим. Ана, сўранг, ўзи

– Демак, ўлдирмоқчи эмас экансиз-да?

– Вой, афандим, нимасини айттай! Худо ҳақи ўлдирмоқчи эмас эдим.

– Нега бўлмаса ўлдирдингиз?

– Бу шундай бўлди. Кутганимдан олдинроқ тўлғоқ тутиб қолди. Ошхонада идиш-товоқ ювиб бўлаёзганимда дард тутиб қолди. Хўжайинларим уҳлаб қолишган эди. Панжарани ушлаб зўрға хужрамга чиқдим узимни ерга ташладим, кўрпа-тўшакларимга бир нарсга тегмасин деб шундоқ куруқ ерга ёта-қолдим. Қанча вақт қийналганимни билмайман! Бир соатми, икки соатми, балки уч соатга ҳам чўзилгандир, оғриқнинг зўридан ҳеч нарсани билмай қолдим. Сўнг кучим борица бир кучанган эдим, бола ерга тушди. Уф, ростини айтсам, шундай севиниб кетдим. Ердан олиб, Буден хоним айтган ишларнинг ҳаммасини қилдим. Биронтаси эсимдан чиққани йўқ. Энди тўшакка ётқизишим билан яна оғриқ бошланди, шунақангги оғриқиди, дунё кўзимга қоп-қоронғи бўлди! Сизлар ҳам шуни бир кўрсаларинг эди, бир умр болани орзу қилмас эдиларинг! Олдин чўккалаб қолдим, кейин муккам билан ерга тушдим; яна тўлғоқ бошланди. Яна бир соатми, икки соатми, ёнимда биронта

қилсам бўлармиди? Қаёқдан биламан! Ҳа, энди ўлган эканман дедим... Жон аччиғида устларига ёстиқ ташладим... иккаласини боқа олганимдан кейин... Унинг устига ўзимни ташладим: тонг отгунча йиғлаб, ағанаб чиқдим. Бу орада, албатта, иккаласи ҳам ёстиқ тағида димиқиб ўлиб қолди. Шундан кейин иккаласининг ўлигини олиб боққа тушиб, боғбоннинг курагини топдим ва икки жойга зўрға иккита гўр қазидим. Яна оналари тўғрисида сўзлашмасин, деб иккаласини икки жойга кўмиб қўйдим. Ким биларди, дунёни кўрмай кетган болалар онаси ҳақида сўзлашадими, йўқми. Ундан кейин уйимга қайтиб келдим, ётдим. Шундай ёмон бўлдимки, ўриндан туриб бўлмади. Доктор чақиришди, у кўриши биланок ҳаммасини билди... Мана, судья жаноблари, ҳақ гап шу. Нима қилсангиз қилинг, мен ҳаммасига тайёрман.

Судьялардан баъзилари кўзига келаётган ёшни қайтариш учун ҳадеб бурун қоқишар, залдаги хотинлар хўнграб йиғлашарди.

– Иккинчисини қаерга кўмгансиз! – деди суд раиси.

– Сиздаги қайсиниси? – деб сўради қиз.

– Ҳа, ўша, ўтнинг тағидагиси.

– Ҳа, бўлмаса униси қудуқнинг ёнгинасида, қулупнайнинг тағида.

Шунда қизнинг кўкрагидан йиғи аралаш, юракни тилка-тилка қиладиган ингроқ отилиб чиқди.

Суд Прюданни оқлади.

## Бу турфа олам

## АЁЛЛАРГА ИШОНЧ КЎПРОК

Колумбия Президенти Альваро Урибе аёлларга ҳаётини ишониб топширган. Президентнинг шахсий тансоқчилари колумбиялик икки соҳибжамол қиз – қуролли кучлар лейтенанти Адриана Пазрос ва полиция капитани Бетси Бустос Кастаньедадир.

Альваро Урибе бундай масъулиятли вазифани аёллар зиммасига юклаган иккинчи президент ҳисобланади.

## ХАТЛАР, ХАТЛАР....

Науру давлатида дунёда энг кам хат олувчи одамлар яшар экан. 2001 йилда Тинч океандаги ушбу оролликларга атиги 350 та хатжилд ва табрик юборилган.

Хатларни етказиб бериш соҳасида биринчи ўринни эгаллаб турган АҚШдаги кўрсаткичлар билан буни солиштиришнинг ўзи кулгили. Ўтган йили мамлакатда 200 млрд. дона хат юборилган. Бу Германиядагидан деярли ўн баравар (21,6 млрд.) кўпдир.

## КЕЛИНЛАР БОЗОРИ

Хитойнинг жануби-шарқида яшовчи шуй миллилатига мансуб бўлган ёшлар “Бўлажак қайлиқни қаерда учратиш мумкин?” деган саволга ҳеч иккиланмасдан: “Албатта, бозорда!” дея жавоб беришарди. Балоғатга етган йигит-қизлар ясашиб, айнан маҳаллий бозорга йўл олишарди.

Йигитлар оддий савдо расталари оралаб юришарди. Бироқ улар ширинликлар ва

рўзгор буюмларига эмас, балки тўп-тўп бўлиб юрган қизларга кўпроқ маҳлиё бўлишарди. Йигит бирон-бир қизни ёқтириб қолса, аввал дўстлари билан келишиб олиши лозим. Улар бир тўхтама қелишгач, гуруҳ бўлиб қизларнинг ёнига йўл оладилар. Бироз гаплашиб турганларидан сўнг, бўлажак кўватўррани ёқтирган қизи томонга итара бошлайдилар. Қизлар ҳам бўш келишмайди ва қийқириб дугоналари билан ҳазиллаша бошлаша-

ди. Шу вақтнинг ўзидаёқ йигит қизнинг кўлини сўрайди ва унга: “Агар мен сенга ёққан бўлсам, ортимдан юр” дея мурожаат қилади. Одатда қиз бунга жавобан уялибгина бошини қимирлатиб, розилик билдиради.

## УЛАРДА ҚАНДАЙ?

Таниқли актёр Арнольд Шварценеггер болалар жиноятчилигига қарши нафақат кинода, балки ҳаётда ҳам кураш олиб бормоқда. У Калифорния-

даги ҳар бир мактабда дарслар тамом бўлганидан сўнг ҳам ўқувчилар билан шуғулланиш дастурлари ишлаб чиқилишини талаб қила бошлади. Шварценеггер болалар ўртасида жиноятчиликни кескин камайтиришда бу асосий омил эканлигини таъкидламоқда. Бундай гуруҳларни ташкил этиш учун йилига тахминан 550 млн. АҚШ доллари талаб қилинади. Шварценеггер бу маблағни штат бюджетидан олишни режалаштирмоқда.

Ковун нави →

1

Ишкор Бадий буюм Чайкалиш

3

Китъа Уртоқлик От...

2

Мексика айёми

Эзилиш Сирли ёзув Қишлоқ

Атоқли адиб Ёзувчи

4

Авто марка

Девор тури Билим Нашр тури

Пойтахт Илон

Бўйинбоғ Ит лақаби Эшитмас Чехия шаҳри

Замин Волида Транспорт

Кашфиёт Узум нави

5

Хордиқ

Батани

Овоз ёзуви Ча... Ирсият илми

6

Африка тоғи

Зоти Хазина Томон

АҚШ президенти

7

Сарой Гўшт тури Ранг Грузия шаҳри

8

Сабзавот

Ситанинг ёри Уста қиличбоз Осиёдаги тоғ

Юз йил Пардоз Ёриткич Маросим

9

Каромат

Шифо ашёси Кучли Тухумсимон Амал

Хамсанавис Миқдор

Ният Сура қисми

10

Йиртқич Ҳайвон Кама Рақам Дарахт ...от Фожиа

Фирмаси

11

Африка юрти

12

Тикиш асбоби

Исм

Байрам олди Чуқурлик ...жом

13

Автомарка

14

Америка адиби

Бўёқ Африка юрти Галла

Магнит

Жавоҳир Исм

Виджон Палов Коннат жисми Порлоқ

Дон ...боб

15

Картوشка нави

Ранг Миллат Асл ...манг

6	1	14	8	4	2	3	3	2	5	1	4	7	3	1	9	3
2	3	2	5	4	1	13	1	15	10	1	3	6	7	11	.	

Тузувчи:  
Ф. ОРИПОВ

**ГАЗЕТАМИЗНИНГ ЎТГАН СЕНИДА ЧОП ЭТИЛГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:**

**ЭНИГА:** Саккокий. Азамат. Якка. Вулкон. Ашок. Лол. Арзон. Офат. Машқ. Ақл. Неон. Диёр. Уд. Матрос. Араб. Ор. Оми. Ат. Ом. Элак. Оке. Ананас. Литва. Нок. Амал. Савр. Асорат. Ойи. Карвон. Шахс. Дон. Фикр. Кол. Рак. Инон. Лақма. Мовут. Бюро. Рок. Амаки. Оралиқ. Она. Ал. Расул. Аср. Кўклам. Колумбия.

**БҮЙИГА:** Султон. Кармана. Скафандр. Коса. Арк. Акшай. Аскар. Квас. Мот. Умр. Асар. Афродита. Ов. Ёқут. Она. Нон. Кола. Кул. Рама. Носир. Илон. Нос. Наса. Песо. Аморф. Билак. Асо. Эсар. Исо. Насл. Лашкар. Кул. Риал. Тарқоқ. Арзанда. Кит. До. Маош. Ибо. Оскар. Мовий. Оласи. Орбита. Индекс.

## Жиноятга жазо муқаррар

Бугунги кунда инсоният кушандасига айланган гиёҳвандликка қарши кураш ички ишлар идоралари ходимларининг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу борада Жиззах вилояти ички ишлар бошқармаси ходимлари томонидан муайян ишлар амалга оширилади. Гиёҳвандлик моддаларини олиб ўтиш, сотиш, сақлаш билан шуғулланаётган кимсаларнинг кирдикорлари фош қилинмоқда. Айтиш лозимки, гиёҳвандликка қарши кескин кураш олиб борилган сари оғуфурушлар ўзларининг ғаразли мақсадларига эришиш учун турли қинғир йўл ва усулларни топишга ҳаракат қилмоқдалар. Бу эса ички ишлар ходимларидан янада синчков ва ҳушёр бўлишлари, тезкорлик билан иш тутишларини талаб этади.

содир этилди. Самарқанд вилояти Жомбой туманилик Б. Азизхон уч йўловчини Жиззахга олиб бормоқчи бўлади. Мижозлар Ғаллаорол тумани Жума қишлоғига етиб келганда ҳайдовчини уриб, ҳушидан кетказиб, машинани миниб қочишди. Шунингдек, Ғаллаорол шаҳрида яшовчи Э. Зафарнинг шахсий автомашинасига уч номаълум шахс чиқиб, Жиззахга олиб бориб қўйишни илтимос қилишди. Йўлда эса ҳайдовчини уриб, машинани олиб қочишди.

## ТЕЗКОР ТАДБИРЛАР САМАРАСИ

Жорий йилнинг ўтган даврида вилоят ички ишлар идоралари ходимларининг ҳамкорликдаги тезкор тадбирлари натижасида гиёҳвандлик билан боғлиқ 148 та жиноятлар аниқланиб, 162 нафар шахс қилмишлари учун жавобгарликка тортилди. Улардан 16 килограммдан ортиқ гиёҳвандлик моддалари, далилий ашё сифатида олинди. Тезкор ходимлар томонидан амалга оширилган навбатдаги “Қорадори” тадбири натижасида Ғаллаорол тумани Кўкбулоқ ширкат хўжалиги Равот қишлоғида яшовчи У. Б., А. А., Б. Э. ва Н. Н.лар ўзаро жиноий тил бириктириб, 5 килограммдан ортиқ опийни сотаётганда қўлга олинди.



автобус юкхонасини текшириб кўришганда, картон қутилар орасига иккита бир литрли шиша идишда 1,5 килограммга яқин опий яширилганлиги маълум бўлди. Оғуни олиб кетаётган йўловчи Тошкент шаҳрида яшовчи, илгари айнан шундай жинояти учун судланган У. Т. қўлга олинди. Суриштирувда у оғуни Россиянинг Пермь шаҳрига олиб кетаётганлиги аниқланди.

Хизматлараро маълумот алмашиш ва ҳамкорликда тезкор кидирув тадбирлари ўтказиш ижобий натижалар бермоқда. Ғаллаорол туманида зўрлик ишлатиб, автомашинани олиб қочиш ҳолатини аниқлаш ва айбдорларни тутиш борасидаги тезкор ишларни айтиб ўтиш жоиз. Айнан бир кунда туманда икки марта ана шундай жиноят

Ана шу икки жиноятни очишдаги тезкор ишларда самарқандлик ҳамкасбларимиз яқиндан ёрдам беришди. Жиноятлар тез очирилиши учун вилоятда тезкор штаб тузилиб, аниқ режалар ишлаб чиқилди. Айнан Ғаллаорол ва унга қўшни бўлган туманларда жиноят қилишга мойил бўлган, илгари ана шундай жиноятларни содир этиб, жазо муддатини ўтаганлар, қинғир ишлари учун милиция рўйхатида турган шахслар текшириб кўрилди. Уларнинг кейинги кунларда нима ишлар билан шуғуллангани аниқланди. Тезкор суриштирув-қидирув ишлари пухта олиб борилгани боис айбдорлар топилди ва қўлга олинди. Тахминимиз тўғри чиқиб, илгари уч марта судланган, Самарқанд вилояти Пойарик туманида яшовчи С. Бўриев уругтлиқ ёш йигитлар Л. М. ва Ш. М.ларни жиноий шерикликка жалб этиб, ҳар иккала жиноятни содир этгани аниқланди.

Шу ўринда айнан аёзли кунларда жиноятни аниқлаб, айбдорларни тутишда фаоллик кўрсатган ходимлардан А. Ҳайдаров, А. Мавлонов, Ф. Казаков, К. Умаров, К. Назаров, А. Шаршанов, Ф. Шайзақов, Б. Ишматов, А. Мамонов, Н. Туримов, Т. Хотамовларнинг номини айтиб ўтиш жоиз.

Э. ҲУСАНОВ,  
милиция майори.

## Огоҳлик – давр талаби

ГУРУҲЛАР ФАОЛЛИК  
КЎРСАТИШМОҚДА

Наманган вилояти ички ишлар бошқармасида бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳамкорлигида назорат гуруҳлари ташкил этилган. Гуруҳ аъзолари вилоятдаги оммавий тадбирлар ўтказиладиган бир қатор масканларда бўлишиб, уларнинг техник жиҳатдан мустаҳкамлиги, ёнғинга қарши анжомлар билан жиҳозланганлиги, кириш-чиқиш йўлаклари аҳволини ўрганиб чиқишди. Шунингдек, кўпоровчилик, террорчилик ҳаракатларининг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, хавфсизликни таъминлашга қаратилган имкониятлар қайта кўриб чиқилмоқда.

Текширишлар давомида оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойларда қатор камчиликлар борлиги аниқланди. Жумладан, вилоят маданият саройи биносига фавкулдда ҳолатлар содир бўлганда фуқароларни кутқариш бўйича йўриқномалар ишлаб чиқилмаган. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини таъминлаш борасида қатор камчиликлар мавжуд. Оммавий тадбирлар давомида одамларни тезда бошқа ерга кўчириш, моддий бойликларни ҳамда жамоат тартибини сақлаш гуруҳлари ташкил этилмаган.

Алишер Навоий номли муסיқали драма ва комедия театри биносига ҳам юқоридаги каби салбий ҳолатлар борлиги текширишда маълум бўлди. Шунингдек, Абдусаттор Раҳимов, Бобораҳим Машраб номли кинотеатрлар, Навбахор марказий ўйингоҳи, халқаро маданият маркази, “Дўстлик” теннис корти биноларида ҳам аҳвол шу куннинг талабига умуман жавоб бермайди.

Текшириш ўтказилган жойларда биринчи навбатда кириш хоналари олдида бир марталик руҳсатномалар ташкил этиш зарур. Раҳбар ходимлар томонидан навбатчилик қилинишининг мунтазамлигига эришиш керак. Фавкулдда ҳолатлар содир бўлганда ҳаракатланиш учун объект ички тузилмалари кўнгилли ўт ўчириш, моддий бойликларни кўчириш, санитар-пост ва жамоат тартибини сақлаш гуруҳларини ташкил этиш лозим.

Юқорида номлари санаб ўтилган масканларнинг мутасадди раҳбарлари мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун зарур чора-тадбирларни кўришлари керак. Ана шундагина ҳар қандай кўнгилсиз ҳолатларнинг олди олинади.

Н. ЖҲРАЕВ.

## Олов — тилсиз ёв

## ЁНИМИЗДАГИ ХАВФЛИ «ҲАМРОҲ»

Одатда қиш фасли бошланиши олдидан иситкич мосламалари кўздан кечирилиб, камчиликларни бартараф этиш орқали ёнғин хавфининг олдини олиш чора-тадбирлари кўрилади. Ёнғин хавфсизлиги ходимлари касб тақозоси билан хонадонлар, корхона ва ташкилотларда, профилактика ишларни олиб борадилар. Бироқ қўлла-қўлланмаётган тадбирлар, эҳтиёт чоралари-ю тартибот-ташвиқотларга қарамай ёнғинлар юз бериб турибди. Тилсиз ёв даф қилинса-да у келтирган талафот дилларга изтироб солади.

Ҳўш, кўрилган чора-тадбирларга қарамай, нима сабабдан ёнғинлар юз бермоқда?

Тошкент шаҳрилик I гуруҳ ногирони, 55 ёшли Е. Батуриининг уйида ёнғин бўлаётгани ҳақида “01” га хабар тушди. Зудлик билан воқеа жойига етиб борган ўт ўчирувчилар қисқа муддатда офатни бартараф этдилар. Ёнғиндан хонадоннинг 15 кв. метр томи зарар кўрди. Хонадондан уй эгасининг куйиб кетган жасади топилди. Тахминларга кўра ёнғин ўчирилмаган сигарет қолдигидан келиб чиққан...

Қорақалпоғистон Республикасидаги “Ўзбекнефтгаз” компаниясининг 6-бўлимига қарашли махсус қурилиш-монтаж бошқармаси кўчма вагонда эрта тонгда пор-

тлаш юз берди. Бу ҳодиса қўлбола иситиш печидан тупланиб қолган газ туфайли содир бўлди. Натижада вагондаги саккиз ишчи куйиш жароҳати билан касалхонага ётқизилди. Сирғали тумани Дўстлик-2 даҳаси, 35-уй, 52-хонадонда яшовчи В. Кимнинг хонадонидан ҳам электр-плитанинг носозлигидан ёнғин чиқиб, уй эгасига анча зарар келтириш билан бирга ўзи 60 фоиз куйиш жароҳати олди.

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, оддий, арзимасдек бўлиб кўрилган сигарет қолдиги, носоз қўлбола иситкичлар охири-оқибатда инсон-

нинг бир умр ногирон бўлиб қолишига олиб келмоқда.

Баъзан газ қувурлари ўтган айрим хонадонлар дарвозаси ёки деразаси ёнига келсангиз, уланган жойидан сизиб чиқаётган газ ҳидидан бошингиз айланади. “Ўрганиб қолган миз” ёки “газчиларга кўп айтдик, созлашмапти” дейишди бундай жойларда яшовчи уй эгалари. Афсус, улар ана шундай бепарволик фожиа билан туғаш ҳақида ўйлаб ҳам кўришмайди. Самарқанд вилояти Ургут тумани Равот қишлоғида яшовчи Ж. Хўжаевнинг хонадонидан шундай ҳолат туфайли электр чироғи ёқилганда ертўлага йиғилган газ портлаб, хонадон эгасининг қизлари — йигирма бир ёшли И. ва ўн беш ёшли Ф. Хўжаевалар 50-55 фоиз куйиш жароҳати билан касалхонага ётқизилдилар.

Аҳолига эрталабки, нуноштага иссиқ нон етказиб берувчи айрим новвойлар

иш жойларида тунаб қолишлари одат тусига кирган. Улар кўп ҳолларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишмайди. Бу эса хунук воқеаларга сабаб бўлмоқда. Масалан, Андижон шаҳри “Кўшарик” даҳасидаги бозор ҳудудида жойлашган новвойхона ишчилари М. Абдуғани ҳамда Э. Бахтиёр хонадаги сандалга солинган кўмир ҳидидан заҳарланиб, оламдан ўтишган. Бухоро шаҳрилик ўн олти ёшли Х. Светлана ҳамда О. Мақсудалар эса газ плитасини назоратсиз қолдириб, сизиб чиққан газдан заҳарланиб ўлганлар.

Баъзи вилоятларнинг чекка қишлоқларига “зангори олов” етиб борганини эшитиб қувонамиз. Декин совуқ тушиши билан газ “оқими” гоҳ кўпайиб, гоҳ пасайиб кетади. Бироқ бу вилоят, туман, қишлоқлардаги мутасадди ходимлар учун оддий ҳолат бўлиб қолган шекилли

“газ ўйини”га ҳеч ким эҳтибор бермайди. Қашқадарё вилояти У. Юсупов туманидаги Гулистон қишлоғида уй бекаси Р. Муҳаббат газ плитасини ёққан пайтда газ босимининг турғунсизлиги сабабли бирдан аланга кўтарилиб кучли куйиш жароҳати олди ва орадан уч кун ўтгач, касалхонада вафот этди.

Донишмандлар дуога қўл очганда “ўт балосидан... асрасин” дея тилак билдиришларининг маъноси ақл-хушли ҳар бир инсонга аён. Аммо ўйламай иш тутиши оқибатида, тўғрироғи, 2-3 минг сўмни тежаб қолиш илнжидан ўзини олов қаърига ташлаганлар ҳақида нима дейиш мумкин?

Андижон вилояти Хўжаобод тумани Эгамбердиобод қишлоғида яшовчи ўттиз уч ёшли Ю. Маъруфжон уйда ҳамқишлоқлари Қ. Дилмурод, А. Эркин ва Х. Умидлар билан... бен-

зин тайёрламоқчи бўлди! Улар қўлбола мосламага 200 литр “газолин” суюқлиги қуйиб, қиздираётганда ёнғин келиб чиқди. Бу эса қимматга тушди: Х. Умид воқеа жойида ҳалок бўлди, Қ. Дилмурод ва А. Эркин эса куйиш жароҳати билан касалхонага ётқизилди.

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, ўт балосининг келиб чиқишига асосан фуқароларнинг ўзлари, уларнинг лоқайдлиги, арзимас носозликлар, нуқсонларга нисбатан совуққонлик билан қарашлар сабаб бўлмоқда.

Оловдан фойдаланиш инсон учун кундалик заруратдир. Шундай экан, ёнғин хавфи доимо унга “ҳамроҳ”. Бу хавфдан огоҳ бўлиш ҳар биримизнинг доимий вазифамиз, бурчимиздир. Шундагина ёнғинлар келиб чиқишининг олдини олган бўламиз.

Шаҳзода  
ХУДОЙБЕРДИЕВА.

Сўраган эдингиз

# «ПЕНСИЯГА ЧИҚМОҚЧИМАН...»

**Кейинги пайтда фуқаролар пенсия билан боғлиқ масалалар юзасидан тушунча беришимизни сўраб тахририятга кўплаб мактублар йўллашяпти. Ўзбекистон Республикаси ИИБ Молия-иқтисод бошқармаси пенсия таъминоти бўлими бошлиғи, ички хизмат подполковниги М. Мирюнов фуқаролардан келган ана шу саволларга жавоб берди.**

**?** — Хурматли тахририят! Мени ички ишлар идораларида хизмат қилганлар учун пенсия тайинланиши қизиқтиради. Шу ҳақда тўлиқ маълумот берсангиз.

**Нурмат ТУРИМОВ,**  
милиция сержанти.  
Жиззах вилояти.

**ЖАВОБ:** — Амалдаги қонунларга биноан пенсия ёшига етган ҳар бир фуқаро, жумладан ички ишлар идораларининг ходимлари ҳам пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга. Ички ишлар ходимлари учун хизмат йиллари бўйича, ногиронлиги сабабли ва боқувчисини йўқотганлиги учун пенсия тайинланади. Ички ишлар идораси ходими пенсияни расмийлаштириш учун ички ишлар идораларининг шахсий таркиб билан ишлаш хизмати ва молия-иқтисод бўлимига мурожаат этиб, қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

1. Оила таркиби ва қариндошлик ҳолати бўйича турар жойидан маълумотнома.
2. Ўзи ва қарамоғида бўлган вояга етмаган фарзандларининг ижтимоий таъминот бўлимидан нафақа олмаётганликлари ҳақида маълумотнома.
3. Никоҳ ҳақида маълумотнома.

4. 2 дона рангли фотосурат (хизмат кийимида).

5. Фарзандларининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалари нусхаси.

6. Буйруқ эълон қилинган даврдаги ойлик маоши акс этирилган аттестати.

Ногиронлиги сабабли пенсия расмийлаштириладиганда юқорида келтирилган ҳужжатлардан ташқари, тиббий муассаса томонидан берилган ногиронлик гуруҳлари ҳақидаги маълумотнома ҳам тақдим этилади.

Боқувчисини йўқотганлик ҳолати бўйича пенсия расмийлаштириладиганда эса юқорида келтирилган ҳужжатлардан ташқари, боқувчининг ўлими ҳақидаги фуқаролик ҳолати дололатномаларини ёзиш (ФХДЁ) бўлимининг маълумотномаси тақдим этилади.

Вафот этган ички ишлар идоралари бошлиқ ва оддий ходимлари таркибидаги шахсларнинг оилалари боқувчисини йўқотганлик ҳолати бўйича пенсия тайинланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ички ишлар идораларининг бошлиқ ва оддий ходимлар таркибидаги шахсларга ногиронлик бўйича пенсиялар, агар бу ногиронлик хизматни ўташ даврида ёки хизматдан бўшатилгандан сўнг уч ой мобайнида ёхуд шу муддат ўтгандан сўнг ногирон деб топилса, аммо бу ногиронлик хиз-

мат вақтида ярадор, контузия, шикастланиш ва касалланиш оқибатида рўй берган тақдирда тайинланади.

**?** — Мен аввал бошқа хизматларда ишладим. Айни кунларда ички ишлар тизимида хизмат қиляпман. Ички ишлар идораларида аралаш иш стажы бўйича пенсия тайинланиши мумкинми?

**Ш. НАБИХЎЖАЕВА,**  
милиция сафдори.

**ЖАВОБ:** — Амалдаги қонунларга биноан бошқа хизматларда ишлаб кейин ички ишлар идораларида хизмат қилганлар учун аралаш иш стажы бўйича пенсия тайинланади. Ички ишлар идораларининг ўрта, катта ва олий бошлиқлар таркибидаги шахсларга,

агар улар хизматдан ёшига кўра, касаллиги, штатлар қисқартирилиши ёки соғлигининг чегараланиши сабабли бўшатилсалар ва бўшах кунигача 50 ёшга қирган бўлсалар, умумий иш стажлари 25 йил ва ундан ортиқ муддатни ташкил этса ва бу муддатнинг 12 йилу 6 ойидан кам бўлмаган даври давомида ички ишлар идоралари сафида хизмат қилган бўлсалар аралаш иш стажы бўйича пенсия тайинланиши мумкин.

**?** — Ички ишлар идораларида эркин ёлланиб ишлаган ходимлар пенсияга чиқиш учун қаерга мурожаат этишлари лозим.

**Л. КАРИМОВА,**  
хизматчи.

**ЖАВОБ:** — Ички ишлар идораларида эркин ёлланиб ишлаган ходимлар учун Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни асосида пенсия тайинланади. Бунинг учун ички ишлар идораларида эркин ёлланиб ишлаган ходимлар ўзлари яшаб турган туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат этишлари лозим. Улар амалдаги қонунларга биноан пенсияга чиқишларида ички ишлар идоралари томонидан фуқаронинг ўзи танлаб олган беш йил давомидаги ойлик иш ҳақининг ўртача миқдори кўрсатилган маълумотнома берилади. Пенсияга чиқиш учун зарур бўлган барча ҳужжатлар ўзи яшаб турган туман (шаҳар) ижтимоий таъминот идорасига топширилади.



Маънавий-сиёсий машғулотлар гуруҳлари раҳбарларига ёрдам

## МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ РОССИЯ ТОМОНИДАН БОСИБ ОЛИНИШИ

(Халқ озодлик ҳаракатлари. XIX аср иккинчи ярми — XX аср бошлари)

**Гуруҳ раҳбари Марказий Осие чор Россияси томонидан босиб олинганидан сўнг халқ оммасининг мустамлакачилар ва бойлар зулмидан эзлиши, солиқларнинг ҳаддан ташқари оширилиши, судхўрликнинг авж олиши, чор амалдорлари ва маъмуриятига, сиёсатига қарши халқ ҳаракатларига тўхталиб ўтиши лозим.**

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА ХАЛҚ КЎЗҒОЛОНЛАРИ.** Худоёрхоннинг шафқатсизлик билан солиқ йиғиши унга қарши фитна уюштирилиши ва халқ оммаси кўзғолонига сабаб бўлди. 1871-1872 йиллар ҳокимият учун бошланган кураш 1874-1876 йилларга келиб кенг кўламдаги халқ ҳаракатига айланиб кетди ва тарихда Пўлатхон кўзғолони деган ном олди. Кўзғолонга Марғилон уезидан чиққан қирғиз Исҳоқ Мулла Ҳасан ўғли бошчилиқ қилиб, ўзига Худоёрхоннинг Самарқандга қувғин қилинган қариндоши Пўлатбекнинг номини олди. Кўзғолончиларга қипчоқларнинг камбағал қатламлари ва маҳаллий аҳоли қўшилди.

1875 йилда хон рус элчилари паноҳида Тошкентга қочганидан кейин унинг

ўғли Насриддинбек хон қилиб кўтарилди. Шу йили кўзғолончилар Қўқонни эгаллашди ва Қўқон хони Насриддин ҳам Худоёрхон каби чор ҳукуматидан паноҳ излаб Хўжандга қочди. Шу орада кўзғолончилар Марғилонни эгаллашди. Кўзғолон Скобелев қўшинлари томонидан бостирилди.

**1892 ЙИЛДАГИ ТОШКЕНТ КЎЗҒОЛОНИ.** Шаҳарда оммавий озодлик ҳаракати бошланишига вабо тарқалиши сабаб бўлди. Бу даврда вабо кўзғолонлари бутун чор Россияси учун деярли одатий ҳолга айланганди. Кўзғолоннинг яна бир сабаби эса аҳолининг чор мустамлакачилари сиёсатидан норозилигида эди.

Россиядан мол келтиришнинг кўпайиши маҳал-

лий хунармандларнинг буюмларини бозордан сиқиб чиқарди. Хунармандчиликнинг ўзи яна шу боисдан машаққатли бўлиб қолдики, 1874 йилдан генерал-губернатор Кауфман закотни бекор қилиб, ўрнига хунармандчилик солиғини жорий этди: савдогарлар савдо қилиш, хунармандлар эса ўз касблари билан шуғулланиш ҳуқуқи учун ҳақ тўлайдиган бўлишди.

Урда бозори яқинидаги Воронцов хиёбонида оқсоқол Матёкуб ва шаҳар бошлиғи Путинцев оломонга қарши чиқишганида улар устига тошлар ёғилди. Оқсоқол яширинди. Путинцев эса оломонни тарқатиб юборишга урина бошлади. Уни тутиб олиб бошқарма ҳовлисига судраб киришди-да, оқсоқолни бериши ва оғир чора-тадбирлар бекор қилинишини талаб этишди. Кўзғолончилар бошқармани, кейин Матёкубнинг уйини вайрон қилишди. Оломон аскарлар келаётганини эшитгандан кейингина тарқалиб кетди.

Жоме масжидида газабга тўла оломон Гродековни қуршаб олди. У эса аскарла-

рига ўқ узишга буйруқ берди. Расмий маълумотларга кўра, ўнга яқин киши ҳалок бўлган. Анҳор соҳилида полиция билан тўқнашув пичоқбозликка бориб етди.

Бу шаҳардаги биринчи кўзғолон эди. Исёнчиларнинг асосий шиори чор маъмуриятига ва шаҳар ҳокимиятидаги алмаштиришларга қарши норозиликдан иборат бўлди. Кўзғолончилар жабр-зулмнинг ҳақиқий айбдорлари ким эканлигини жуда яхши тушунишарди.

Қатнашчилар таркиби ҳам ниҳоятда хилма-хил эди. Улар маҳаллий хунармандлар, ишчилар, майда савдогарлар, аравакашлар, қишлоқдан келган мардикорлар ва бошқалардан иборат эди.

**АНДИЖОН КЎЗҒОЛОНИ.** 1898 йил Туркистонда рўй берган энг йирик халқ ҳаракати Андижон кўзғолонидир. Кўзғолоннинг сабаби чоризмининг пахта етиштиришни ривожлантиришдаги ваҳшиёна сиёсати эди. Шарқий Фарғона энг йирик пахтакор вилоят ҳисобланар, Туркистондаги жами пахтазорнинг салкам учдан бир қисми Фарғонага тўғри келар эди. Халқ

оммасининг мустамлакачи ва бойлар томонидан эзлиши, судхўрликнинг авж олиши қарздорлар, чоракорлар, батракларни кўпайтириб юборди.

Кўзғолонга туртки бўлган нарса ер солиғининг 1880 йиллар бошида жорий қилинган янги тартиби бўлди, унинг оқибатида солиқлар 2-3 баробар кўпайиб кетди. Маҳаллий солиқ йиғувчиларнинг очкўзлиги аҳволни янада оғирлаштирди.

Аҳоли ҳатто, дарё ювиб кетган ерлар учун ҳам солиқ тўлашга мажбур эди. Ҳарбий қўшинларнинг қишлоқларда маълум муддат туриши эса дард устига чипқон бўлар, ўзини боқолмаган аҳоли уларни боқоши шарт эди.

Кўзғолонга Мингтепа қишлоғида яшовчи эшон Муҳаммад Али халфа Собир Сўфи ўғли бошчилик қилди. Унинг отаси Муҳаммад Собир дукчи эди. Эшон бўлганидан кейин ҳам ўғли ота касбини ташламай, дук, бешик ва ҳоказолар тайёрлашда давом этди, шу сабабли ҳам у Дукчи эшон деб аталарди.

Кўзғолонга уч-тўрт ой тайёргарлик кўрилганига қарамай, Андижон, Янги Марғилон ва Ушда баравар-

рига кўтарилиш режаси тўлиқ амалга ошмади. Маблағлар аввалдан тўпланган, кўнгилилар рўйхати тузилган эди. Ҳукумат эса кўзғолон тайёрланаётганлигидан энг сўнгги лаҳзада хабар топиб қолди ва ҳеч бир чора кўришга улгура олмади.

Қўлбола милтиқ, кетмон, таёқ касбилар билан қуролланган кўзғолончилар Андижондаги ҳарбий лагерни босиб олиб, милтиқлар билан қуролланишди. Йўл-йўлакай уларга маҳаллий аҳоли қўшилиб, Андижонда кўзғолончилар сафи 2000 кишига етди.

Гарнизон аскарлари аввалига эсанкираб қолди. Шунга қарамай ҳужум қайтарилди ва шаҳарни рус қўшинлари ўраб олиб, кўзғолонни ҳарбий куч билан бостиришди. 546 киши ҳибсга олинди. Дукчи эшон осиб ўлдирилди. Унинг 45 нафарга яқин ёрдамчилари ҳам қатл этилди.

Халқ ҳаракати сифатида Андижон кўзғолони катта аҳамиятга эга бўлди. Кўзғолон чоризмининг негизларини титратди. Кураш жараёни халқимизга сиёсий тажриба тўплашга ёрдам берди, маълум даражада келгуси озодлик ҳаракатларини тайёрлади.

(Давоми бор).

**Республика ИИБ Ички қўшинлар Бош бошқармаси шахсий таркиб билан ишлаш бўлими.**



